Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 12 ноябр Чоршанба.
№ 88 (14480)

## ЭЪТИРОФ

Яқин йилларда Ўзбекистон тамомила янги, замонавий таълим йўналишига, янги тафаккурли авлодларга эга бўлади.

Бу ерда биз билан инглиз тилида бевосита мулоқотда бўлган билимли, қизиқувчан, ақл-идрокли ёшларга дуч келдик. Бундай иқтидорли ёшларни АҚШда кўрсак, Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлида олиб бораётган улкан ишларига ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

**Элизабетт ЭЛЛЭН,**
**Жоржия штатидаги Чаттахучин мактаби ўқитувчиси, профессор**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантириш, қадимда фан, маърифат ва маданият оламининг маркази ҳисобланган, одамзот тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш мақсадида:

1. Хоразм Маъмун Академияси - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими Хива шаҳрида ташкил этилсин.

Хоразм Маъмун Академиясининг асосий илмий ва ташкилий вазифалари қуйидагилар деб белгилансин: - илм-фан соҳасидаги қадимги улуғ миллий мерос асосларида юқори интеллектуал муҳитни яратишдаги бой анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш, ёш истеъдодли олимларни излаб топиш, уларни Академия фаолиятига жалб этиш ва илмий ижодларининг самарадорлигини юксалтириш;

- қадимги миллий илм-фан соҳасидаги бой меросни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш, тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология соҳаларида фундаментал изланишларни олиб бориш, замонавий илмий мактаблар яратиш ва фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш;
- минтақада илм-фан билан боғлиқ барча ишларни замон талаблари даражасида мувофиқлаштириш;
- олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;
- кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишда фаол иштирок этиш, узлуксиз таълим тизими ва фан ўртасидаги узвий, ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш, академик лицейларда илмий-педагогик фаолиятни юқори савияда олиб бориш;
- халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси /Т.Жўраев: - Хоразм Маъмун Академияси таркибида тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология йўналишлари бўйича илмий бўлинмаларни ташкил этсин, икки ҳафта муддатда Хоразм Маъмун Академиясининг тузилмаси ва Уставини тасдиқласин;

- бир ой муддатда Хоразм Маъмун Академиясининг асосий илмий йўналишлар ҳамда илмий-тадқиқот ишларининг дастурини ишлаб чиқсин;
- бир ой муддатда Молия вазирлиги билан биргаликда Хоразм Маъмун Академияси штат жадвалини, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда унинг фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатларининг ҳисобини тайёрласин;
- 1998 йилнинг биринчи чорагида ўз Уставига мувофиқ устивор илмий йўналишлар соҳасида самарали ишлаётган олимлардан Хоразм Маъмун Академияси таркибига сайлов ўтказсин.

3. Хоразм Маъмун Академиясини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари /академиклари/ икки нафарга кўпайтирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги /Ж.Сайфиддинов/ Хоразм Маъмун Академияси илмий изланишлар ва илмий-ташкилий фаолиятни олиб бориши учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан тайёрланган сарф-харажатлар ҳисобига мувофиқ бюджетдан маблағ ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси /П.Хабибуллаев/ 1998 ва кейинги йиллардаги Хоразм Маъмун академиясининг илмий изланишлар мавзуларини Давлат илмий-техникавий дастурлари таркибида режалаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Хоразм вилоят ҳокимлиги билан биргаликда Хоразм Маъмун академияси ва унинг бўлинмаларига истеъдодли ёш олимлар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилишни таъминласинлар.

7. Хоразм вилоят ҳокимлигига /И.Юсупов/ бир ой муддатда Хоразм Маъмун Академияси учун маъмурий бино ажратиш, уни таъмирлаш, транспорт, алоқа ва бошқа зарур жиҳозлар ҳамда вилоятга таклиф этилган илмий ходимларни уй-жой билан таъминлаш юклатилсин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

**Тошкент шаҳри, 1997 йил 11 ноябрь**

## "ТУРКИСТОН" ВОДИЙ ЁШЛАРИ ҲУЗУРИДА

Аввал хабар берганимиздек газетамиз таҳририяти ходимлари Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон жамғармаси билан биргаликда Фарғона водийси вилоятлари олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талаба ёшлар ҳузурида бўлишди. Улар учрашув давомида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг аҳамиятини тушунтириш билан биргаликда водий ёшларининг бугунги ҳаёти, ўқиш ва изланишлари, орзу-умидлари, бўш вақтлари қай тарзда ташкил этилгани билан яқиндан танишдилар.

Кўпгина профессор-ўқитувчилар, йигит-қизлар орасида ўтказилган суҳбатлардан шу нарса аён бўлдики, таълим тизимини ислоҳ қилишга оид Президентимиз кўрсатмаларига жойларда оғишмай амал қилинаётир.

"Туркистон"га обуна мавсумида ўтказилаётган бундай учрашувлар ёшларда катта қизиқиш уйғотиб, улар ўз таклиф-мулоҳазаларини таҳририят ходимларига билдиришди. Энг иқтидорли талабаларга Улуғбек жамғармасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ёшларнинг суюкли шоирлари Нормурод Нарзуллаев ҳамда Муҳаммад Юсуф ҳамкорлигидаги учрашувларга Муртазо Муродов раҳбарлигидаги "Шарқ" гуруҳи янада файз киритди. Мазкур учрашув доирасида тайёрланган материаллар билан газетамизнинг 2,3- саҳифалари орқали танишасиз.

## Ислом КАРИМОВ:

# Ўзбекистон сузиб юрадиган музтоғ эмас

*Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов МДҲ раҳбарлари орасида мулоҳазали, лекин мустақил, зийрак ҳамда ўз йўлини қаттиқ ҳимоя қиладиган инсон сифатида ном чиқарган. Унинг ўзига ишончи катта. Нимага эришажагини яхши биладиган раҳбар сифатида таассурот қолдиради. Нодўстларнинг уни авторитар раҳбарлик услубидан фойдаланишда айблашларига эътибор бермайди ёки кулиб қўя қолади. Унинг Президент саройида «Известия» мухбирлари билан суҳбати одатдагидек бир-бир ярим соат эмас, тўрт ярим соат давом этди. Президент матбуот хизмати томонидан тайёрланган ёзма жавобларни четга суриб қўйиб, жонли суҳбатни афзал кўрди. «Бу ердаги саволларингиз қанақалигини билишни ҳам истамайман», - деди у.*

**- Ислом Абдуғаниевич, сиз дарҳол мунозара бошлашга тайёрмисиз? Унда «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат» деган машҳур шиордан бошлайлик. Бу сўзларни ҳамма жойда учратиш мумкин. Лекин бунга ишонмайдиганлар анча кўп ҳамда улар бу шиорда даъво катта, у тарғибот шиори, деб билишади. Бунга нима дейсиз?**

- Саволингиз тушунарли. Аввало шуни айтмоқчиманки, агар аниқ, равшан стратегик вазифа бўлмаса, на бирор давлат, на бирор халқ, на бирор жамият ўз истиқболини кўра олади. Истиқбол одамларга тушунарли бўлиши, уларга куч-қувват бағишлаши ва бирлаштириши лозим. Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг республика қандай аҳволга тушиб қолганини ҳисобга олсак, шунга амин бўламизки, улуғвор мақсад бўлмаса, жамият оғир таназзул вазиятида оёққа туриб олишига ишониш қийин. Ҳозирги пайтда вужудга келаётган ишонч барча аччиқ таъна ва дашномларнинг ўрнини қоплаб кетади. Бундай таъналар эшитилиб турганидан хабарим бор.

Биз ўз олдимизга катта даъволардан иборат вазифалар қўяётганимиз ҳамда қандайдир «еттилик» ёки «саккизлик» ёхуд бошқа яна бирор «уюшма»га қўшилишга интилаётганимиз йўқ. Биз осойишталик билан ўз салоҳиятимизни яратяпмиз. Биз одамлар яхши ҳаёт кечиришларини, мамлакатимизда амалга оширилаётган тараққиёт модели воситасида муносиб турмуш даражасига эришишларини ҳоҳлаймиз, холос.

**- Ўзбекистон қайси моделга амал қилмоқда - Туркия моделигами, Хитой ёки Жанубий Корея моделигами?...**

- Ўзбекистон тараққиётнинг Ўзбекистон моделига амал қилмоқда. Мени тўғри тушунишларингизни истардим: биз ўз давлатимизни қураётган эканмиз, қуйидаги тамойилларга асосланамиз. Биринчи тамойил - аждодларимизнинг қадимий маданиятидаги барча улуғвор қадриятларни тиклаш. Иккинчиси - буюк меросимизни жаҳон цивилизациясининг барча ютуқлари билан бирлаштириш. Учинчиси. Ўзбекистон улкан ресурсларга эга. Фақат минерал-хомашё, фақат пахта эмас, фақат олтин ёки бошқа нарсалар эмас, яъни, республика эга бўлган тўртинчи ресурс - улкан интеллектуал ресурсдан иборат.

Ҳеч кимни ранжитмоқчи эмасман, лекин айрим кишиларга сабоқ бўлиши учун шундай фактни эслатиб ўтмоқчиман. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Туркия томони /этник илдизлари жиҳатдан турклар бизга жуда яқинлигини биласиз, ҳозирги туркларнинг аждодлари Хоразм минтақасидан чиққан, улар Ўзбекистонни ота юртимиз деб аташади/ бизга янги «оға» сифатида тарбия, маданият масалаларида ақл ўргатмоқчи, умуман маънавий ҳаёт моделини тиқиштирмоқчи бўлди. Лекин кейинчалик улар ҳам биздан ўрганиши лозим бўлган нарса кўп экани аён бўлиб қолди. Дарвоқе, Туркияда икки мингдан ортиқ талабамиз таълим олиб қайтди, ҳозир эса бор-йўғи 200 га яқин талаба ўқимоқда.

**- Нима учун айрим кишиларда ҳанузгача Ўзбекистонга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш одати сақланиб қолмоқда? Улар Ўзбекистонни ҳанузгача умумэътироф этилган меъёр ва андозаларга мос келмайдиган давлат деб ҳисоблашмоқда. Бу ҳақдаги фикрингиз...**

- Сизларга шуни айтмоқчиманки, қанча давлат бўлса - шунча андоза бор. Мен техник маълумот олганман, шу боисдан андоза нималигини яхши тушунаман. Андоза шундай регламентлар, шундай чеклашлардан иборатки, уларнинг доирасидан чиқиб бўлмайди, уларга доимо мослашиш шарт. Ана шу кўрсаткичларга мослик ёки мос эмасликни белгилайдиган жуда кўп ўлчовлар ҳам мавжуд. Қанча давлат бўлса, шунча андоза ясаш мумкинлигига ишончим комил. Дунёда бир-бирига мутлақо ўхшайдиган икки киши бўлмаганидек, бир-бирига мутлақо ўхшайдиган икки давлат ҳам йўқ. Шу сабабли, бизни кимлар қандай андозага солмоқчи ва қайси жиҳатдан бу андозага мос келмаётганимизни сўрагим келади.

**- Агар қарши бўлмасангиз, ислом дунёси андозалари тўғрисида гаплашамиз. Ўзбекистон бу андозаларга мос келадими?**

- Йўқ. Биз ислом андозасига мос келмаймиз. Ислом оламида асосий нарса - шариатдир. Асосийси - Қуръонда ёзилган қонунлар мажмуидир. Биз - дунёвий давлатмиз. Бизнинг Конституциямиз Франция, Германия, Буюк Британиянинг энг яхши демократик ташкилотларида синовдан ўтган. Кўпчилик Ўзбекистонда аҳолининг 80 фоизидан кўпроғи исломга эътиқод қилади, шунинг учун бу ерда ислом қонунлари ва анъаналари устун бўлиши керак, деб ўйлашга ўрганиб қолгани боис ҳам мен эътиборингизни бунга атайлаб қаратяпман. Йўқ. Биз давлат ҳаётида Конституцияга қатъий риоя қиламиз. Демак, биз ислом давлати меъёрларига мос келмаймиз.

**- Ислом Абдуғаниевич, бу билан республика Европа андозаларига яқинроқ, демоқчимисиз?**

- Яхшиси, келинглар, энг илғор демократик мамлакатлар ёки андозалар тўғрисида гаплашайлик. Дарвоқе, ҳар ким бу хусусда ўзича фикр қилади. Ҳа, биз ҳозир кўп демократик андозаларга унчалик мос келаётганимиз йўқ. Бунинг учун зарур қонуний база йўқлиги туфайли эмас, албатта. Қонунларнинг энг яхши мажмуаларини барпо этиш - Конституция, инсон ҳуқуқлари, кам сонли миллатлар тўғрисида, виждон эркинлиги ҳақида, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларини бир-биридан ажратиш тўғрисида қонунлар қабул қилиш, инсон ҳуқуқлари миллий ташкилотлари тизимини ташкил этиш мумкин. Бизда буларнинг ҳаммаси бор. Лекин менинг битта саволим ҳам бор: мамлакатнинг чекка жойида яшаётган кишининг тафаккурини қандай қилиб ўзгартириш, уни қандай қилиб «ҳамма томондан эътироф этилган андозалар» даражасига кўтариш мумкин? У ҳали-ҳамон совет ҳокимияти, тоталитар ҳокимият етмиш беш йил давомида сингдириб кетган меъёрлар асосида яшамоқда. Бизда анъанавийлик жуда ривожланган, республикада аҳолининг 60 фоизи - қишлоқ аҳолиси ҳисобланади, бинобарин, уларда анъанавийлик жуда кучли сақланиб қолган. Советлар даврида биз коммунистик ақида ва қонунларга тўла мос келмасдик. Ҳозир эса, демократик қонунларга мос келмаяпмиз. Бунинг учун бизга вақт керак.

**- Сизнингча, нималар демократияга таянч бўлиб хизмат қилади?**

- Қонунлардан ташқари, бундай таянч - фақатгина иқтисодиёт, кучли ва гуллаб-яшнаётган иқтисодиётдир. Тажрибанинг кўрсатишича, «Садовое кольцо» ёки бошқа бирор жой доирасида демократия ўрнатиш унча қийин эмас. Мен ҳамма томондан қабул қилинган демократик меъёрларга мослик тўғрисида гапирганимда, масалани шу тарзда қўяман: бундай демократик меъёрларга интилиш, зўр бериб интилиш лозим. Турмуш онгни белгилайди. Бу ўринда гап Маркс тўғрисида кетаётгани йўқ. Одамларнинг турмушини, эски тузумни қанчалик кўп ўзгартирсак, одамларнинг тафаккур тарзи ҳам шунча тез ўзгаради. Шу боис, менинг асосий вазифам - кўпгина ватандошларим тафаккурини ўзгартиришдан иборат. Ватандошларим демократия сари, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши сари энг қисқа йўл - жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, яккаланиб қолишдан воз кечиш, ҳар қандай фундаментал оғишларни қабул қилмаслик, ўз миллий хусусиятларимизни сақлаб қолган ҳолда жаҳон цивилизацияси қадриятларидан баҳраманд бўлиш эканини тушуниб етиши учун уларнинг таффаккурини ўзгартириш керак. Мен бундан ҳеч қачон воз кечмайман. Такрор айтаман: демократиянинг умумий қонунлари мавжуд бўлса ҳам, ҳар бир мамлакатда демократиянинг ўз қиёфаси бор. Шу билан бирга, давлат ва жамият ҳаётидаги айрим демократик қадриятларни ўзгартириш ўзига хос ҳолда, юзлаб йиллар давомида таркиб топган тафаккур тарзини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бунга амал қилмаслик мумкин, лекин уни тушуниш ва ҳурмат қилиш зарур.

**- Президент сифатида сиз учун ички сиёсатдаги энг муҳим нарса нима?**

- Тартиб ва танлаш эркинлиги. Бу ҳам одамларнинг тафаккурини ўзгартириш билан боғлиқ. Ёш ватандошларим мени жуда қувонтирмоқда. Балки Россия учун бу эскириб қолган нарсадир, лекин улар ўз ватанпарварлиги ва маънавияти билан кўп одамларни руҳлантирмоқда. Уларда Ватан тушунчаси мавжуд, улар ўзини фақат ўз манфаати учун эмас, ана шу Ватан манфаати, она юрт манфаати йўлида намоён этишга интилиш ҳисси билан яшайди. Шунинг учун ҳам мулкдорлар синфини барпо этиш - асосий масалалардан биридир.

**- Республикада тартиб ва осойишталикни тиклашга қандай муваффақ бўлдингиз? Чамаси, Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг жиноятчилик даражаси бўйича Ўзбекистон Россиядан орқада эмас эди. Қаттиқ қонунлар вазиятни барқарорлаштиришга омил бўлдими?**

- Йўқ. Борис Николаевич бир гал тележурналистларнинг саволига жавоб бераётиб, тахминан: ана, Ўзбекистонда машина олиб қочиш йўқ, бу ерда машинани олиб қочган киши отиб ташланади, деган эди. Кейин у: балки биз ҳам отиб ташласак, эҳтимол бизда ҳам тартиб ўрнатилар, деб хулоса чиқарган эди.

Сиз бераётган саволнинг илдизи ўша ёқда. Москваликларнинг онгида қаттиққўл Каримов отиб ташлашгача бўлган шафқатсиз чоралар билан тартиб ўрнатди, деган фикр ҳукмрон. Биз ваҳшиёна усуллар билан тартиб ўрнатаётганимиз хусусида ҳам шамалар бўлган. Бунга шундай жавоб бераман: йўқ, бундай эмас. Сизларга айтиб қўяй: ҳар қандай адолатсиз жазо акс таъсир қилади. Қонун нақадар адолатсиз бўлса, у ўзига кўп қарши ҳаракатларни келтириб чиқаради. Сизлар Ўзбекистонда қандайдир жангарилар яшайди, деб ўйлаётган бўлсангиз, хато қиласиз. Яқинда Грозныйда ҳамманинг кўз олдида жиноятчиларнинг отиб ўлдирилиши ёки толибларнинг одамларни ўрта аср усулида жазолаши - бошини кесиб ташлаши ва шу каби ҳодисаларга бизнинг юртимизда қандай муносабат билдирилганидан хабарларингиз борми? Бу шафқатсизликлар ҳаммани даҳшатга солди.

**- Кечирасиз, гап бошқа ёқдами? Масалага қандай ёндашишингизни тушунтириб бера олмайсизми?**

- Биласизларми, 90-йиллар бошидаги демократия йўқ жойдан пайдо бўлгани учун кўпгина ўзбошимчаликларни келтириб чиқарди. Ҳеч ким ҳеч ким билан ҳисоблашмай қўйди. Барча ҳамма нарсадан воз кечди. Бизнинг янги тизимга ўтишдаги ақидаларимиздан бири шу бўлдики, биз янги қонунлар яратилгунига қадар эски қонунларга амал қилиб турдик. Яъни, янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик керак, деган ақидага биноан иш тутдик. Эски тузумдан янги тузумга ўтишнинг бутун тизими бизда мана шу шиор остида кечди ҳамда ўтиш аста-секинлик билан, босқичма-босқич амалга оширилди.

**- Бироқ, сизларда отиш жазоси қўлланиладиган моддалар барибир кўп бўлса керак?**

- Сизлардагидан кўп эмас. Ғалати туюлиши мумкин, лекин худди шундай. Мен ўзимизни доим Россия билан қиёслаётганим учун кечиринглар, лекин сизлар собиқ Иттифоқ ҳудудидаги илғор демократик мамлакат ҳисобланасиз. Бизда тегишли моддаларга биноан амалга оширилган ўлим жазоси сони сизлардагидан кўп эмас. Тўғри, Қозоғистонда сизлардагидан кўпроқ.

**- Ўзингиз биласиз, сиз тилга олган чоралар билангина кишилар хавфсизлигини таъминлайдиган тизимни барпо этишга муваффақ бўлинганлигига ишониш қийин. Баъзилар Каримов бўлмаганида, тартиб ҳам бўлмасди, дейишади. Кўплар сиздан қўрқади. Бунинг сабаби нимада?**

- Мендан қўрқишнинг кераги йўқ. Қонундан қўрқиш керак. Гоҳида қаттиққўллик билан иш тутаётганимни биламан, лекин шундай ишлар борки, жамиятда уларни бажаришга фақат мен қодирман. Мисол учун, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги порахўрликни олиб кўрайлик. Ҳеч нарса одамларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимидаги порахўрлик каби чалғитиб, бузмайди. Агар судя сотқин бўлса, прокурор сотилган бўлса, милиция жиноий мафия билан боғлиқ бўлса, фуқаролар қонунга, давлатга қандай ишонсин?! Менинг бу соҳада тартиб ўрнатишдаги, тозалашдаги иштирокимни билишни ҳоҳласангиз, айтаман: ҳа, иштирок этганман. Бизда шундай тизим яратилганки, жиноий унсурлар ҳокимият билан бирлашиб кета олмайди. Сизларда Коняхин билан бўлган воқеа бизда юз бериши мумкин эмас.

**- Ислом Абдуғаниевич, нима учундир Сизни коммунист деб ҳисоблашади.**

- Кимдир шуни хоҳласа, ҳисоблайверсин. Мен бошқа гапларни - коммунистлардан сўнг пайдо бўлган диктатор деган ёки ундан баттар гапларни ҳам эшитганман. Майли, одамлар оғзига келганини гапираверсин. Бундай гапларни эшитганда кулиб қўя қоламан.

Бу одамларга қисқача лекция ўқиб берай. Билиб қўйинглар, Ўзбекистон давлати беш тамойилга амал қилмоқда. Биринчи тамойил: мафкурадан тўла холи бўлиш. Иккинчиси: давлат - бош ислоҳотчи, яъни биз ўтиш даврида иқтисодиётнинг бошқарилиши тарафдоримиз. Учинчи тамойил: қонуннинг устуворлиги. Тўртинчиси: кучли ижтимоий сиёсат. Чунки бизда аҳолининг 48-50 фоизини болалар, яъни 18 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади. Бешинчи тамойил - барча сиёсий ва ижтимоий жараёнларга босқичма-босқич ўтишдир.

**- Сизларда кейинги вақтда Андижонда енгил автомобил заводи, Бухорода янги нефтни қайта ишлаш заводи ва бошқа бир қанча корхоналар пайдо бўлди. Бизнинг иборамиз билан айтганда, Ўзбекистоннинг иккинчи марта индустриялашувининг сабаби нимада? Чамаси, республикада заводлар, фабрикалар олдин ҳам етарли эди. Кемаларгина йўқ эди, холос.**

- Жуда қизиқ савол. Бизга кемалар керак эмас. Маълумки, кема саҳрода юрмайди. Орол ҳам қуриб қолган.

Тарихни биладиган одамлар бизда йирик заводлар уруш йилларидагина пайдо бўлган, ўшанда СССРнинг мудофаа қудратини сақлаб қолиш учун йирик заводлар бу ерга кўчирилган эди, дейишади.

Ғалабадан сўнг ҳаммаси бизга қолдириб кетилган. Гўё «Энди ўзларинг ривожлантираверинглар» дегандек!

**Йўқ. Амалда ҳамма нарса хомашёни дастлабки қайта ишлаш даражасида қолаверган. Миллий даромадда саноатнинг улуши бор-йўғи 16,5 фоизни ташкил этган. Қолгани қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар улуши бўлган. Шундан сўнг ҳам бизни саноатдан камситилмаган эдингиз, дея оласизларми? Биз нимани ҳоҳлаймиз?**

Аввало саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини барпо этмоқчимиз. Автозавод қурдик, энди у индустриал тараққиётимиз омили бўлиб қолди. Унинг ёнида бутловчи буюмларни етказиб берадиган яна саккизта заводимиз бор.

Енгил саноатни олайлик. Биз илгари пахта толасининг атиги 10 фоизини қайта ишлар эдик. Қолган қисми Россияга, Белоруссияга, Украинага олиб кетиларди. Айни пайтда технология жараёнининг кейинги циклларида фойданинг 70 фоизини улар олар эди. Мана сизга Советларнинг адолатли тузуми! Мен бу адолатсизликни тугатишим керак. Мен янги иш жойлари тўғрисида, мамлакатнинг бойлигини яратаётган одамлар тўғрисида ўйлашга бурчлиман. Ўзбекистон ишдан қочмайди. Такрор айтаман, ҳозир 18 ёшгача бўлган болалар мамлакат аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этади.

- Россиядагилар Ўзбекистон ютуқлар билан асоссиз равишда мақтанмоқда, деб ўйлаши мумкин, ростини айтганда, шундай деб ўйлашмоқда ҳам.

- Ўйлашаверсин. Агар ҳоҳлашса, советлар давридаги тасаввурлари билан ҳам яшайверсин. Фақат шуни айтиб қўяй: пахта етиштириш бўйича биз жаҳонда тўртинчи ўринда турибмиз, пахта толасини экспорт қилиш бўйича эса - иккинчи ўриндамиз. АҚШдан кейинги ўринда. Олтинни олиб кўрайлик. Биз олтин ресурслари бўйича бешинчи, қазиб чиқариш бўйича - еттинчи ўриндамиз. Жаҳондаги мисни энг кўп ишлаб чиқарувчи ўн мамлакат қаторидамиз. Биздаги мавжуд стратегик материаллар тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Булар - уран ва бошқа нодир металлардир. Шундай ресурсларга эга эканмиз, жаҳон бозорида ўзимизга муносиб жой олиш тўғрисида ўйлашимиз керакми? Ўйлашга мажбурмизми? Албатта мажбурмиз.

**- Президент жаноблари, сиз Совет замонидаги тараққиётни ривожланишнинг бошланиш даври деб ҳисобламаянсиз шекилли?**

- Мен ҳамма нарсани назарда тутяпман. Лекин, келинглар, ўтмишга ёпишиб олмайлик. Эндиликда мен нутқларимда илгари ким эдигу, ҳозир кимлигимиз тўғрисида гапирмасликка ҳаракат қиляпман.

Назаримда, биз бу босқичдан ўтдик. Агар эътибор берган бўлсангиз, мен ўз нутқларимда ҳамма нарсани совет даври билан қиёслайвериш гуноҳидан холиман. Ўн учинчи йил билан қиёслашни ҳам истамаймиз, албатта. Истиқбол тўғрисида гапириш керак. Биз шу қадар юксалдикки, энди жаҳон бозорига интеграциялашув тўғрисида гапириш лозим. Энди унда нега Россия билан савдо алоқалари қисқариб кетмоқда, деган саволни беришингиз мумкин.

**- Худди шундай. Савол ҳам худди шу маънода. Нима учун Ўзбекистон Россияга қизиқмай қўйди?**

- Ўзбекистон Россияга қизиқмай қуйгани йўқ. Ҳозир мен сизга рус мактабини битирган одам, рус адабиётини шу пайтгача ўз миллий адабиётидан яхшироқ биладиган одам сифатида жавоб бераман. Жоиз бўлса, рус халқининг табиатини яхши биладиган одам сифатида жавоб бераман. Рус халқининг руҳияти ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Рус руҳиятини камдан-кам одам билади. Биласизми, уни ҳеч қандай ўлчов билан ўлчаб бўлмайди ҳам, тушуниш ҳам қийин. Лекин рус кишисининг табиатини биламан. Ҳар ҳолда, биламан, деб ўйлайман. Мен учун бизни, ўзбекларни рус халқи, рус маданияти, рус цивилизацияси, рус тарихидан ажратиб бўлмаслиги кундай равшан. Бизни ажратиб бўлмайди ва ажратиш мумкин ҳам эмас. Бу - исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

**- Унда нега Россия билан ўрталарингизда муаммолар пайдо бўлмоқда?**

- СССР парчаланиб кетганидан сўнг Ўзбекистон тушиб қолган шароитда у энг тўғри ва фойдали йўлни излаши лозим эди ва шундай йўлни топди ҳам. Агар Россия билан муносабатларимизга шу нуқтаи назар билан қараладиган бўлса, жуда кўп саволлар туғилади. Айтинг-чи, Россия нималарга асосланиб яшамоқда? Мавозага асосланиб яшамоқда. Сизларда ўтказилмаган тўловлар 700 триллион рублни ташкил этади. Дунёнинг қаерида яна шунча қарзи бўлган давлатни кўриш мумкин! Россия бизни Ўзбекистон пахта бермаяпти, деб айблашга уриниб кўрди. Лекин бу бўлмаган гап.

Биздан пахтани ким сотиб олаётгани муҳим эмас. Айтдимку - бизнинг биринчи тамойилимиз - мафкурадан холи бўлиш. Агар Ватанимга, халқимга нафи тегадиган бўлса, мен, кимлигидан қатъий назар барча билан ҳамкорлик қилишга тайёрман. Агар Россия пахтани жаҳон бозори нархида сотиб оладиган бўлса, нега пахтани унга бермас эканмиз? Лекин гап шундаки, сизларда пул йўқ.

**- Сизга қандай таклифлар бўляпти?**

- Буни ҳам айтаман. Олдин бошқа гапга қулоқ солинг. Бир вақт биз ҳам мавоза усулидан фойдаланганмиз. Кейин маълум бўлишича, сизлар бизнинг пахтамизни юқори нархларда жаҳон бозорига экспорт қилаётган экансиз. Ҳолбуки, бу пайтда Россия фабрикалари хомашё йўқлигидан ишламай, тўхтаб қолган. Улар хомашё йўқлиги туфайли ҳозир ҳам тўхтаб турибди. Сизлар бизнинг биржамиз орқали сотиб олаётган пахта корхоналарга етиб бормаяпти. Воситачилар уни бошқа воситачиларга сотмоқда.

Сизларда нималар бўлаётганини ўзингиз аниқлаб олаверинглар.

Бизга қандай таклифлар бўляпти? «Енисей» комбайнини таклиф қилишяпти. Ҳозир бизда Американинг «Кейс» комбайнлари етти баравар унумлироқ ишлаётган бўлса, «Енисей»ни нима қиламиз? Бу ерда хафа бўлишга ўрин борми? Бу ерда ҳеч қандай сиёсат, ўйин йўқ. Мен пахтани «Енисей»га алмаштирмайман. Менга доллар керак. Долларга ўзимга зарур нарсани сотиб олиш учун мен пахтани долларга сотишим зарур. «Енисей» билан одамларнинг қорнини тўйдира олмайман.

Биз Россия билан мавоза асосида эмас, балки эркин алмаштириладиган валютаси бўлган маърифий мамлакат сифатида савло-сотиқ қилишни истаймиз.

**- Барибир, кўп соҳаларда ҳамкорлик сақланиб турибди. Лекин ҳозир гап Ўзбекистон тўғрисида. Ҳозир у Россиядан тўла мустақилликни нималар билан таъминлади?**

- Нефт, нефт маҳсулотлари, дон борасида тўла мустақилликка эришдик. Менимча, бу кам бўлмаса керак. Сиз қандай фикрдасиз?

**-Яна бир савол. Айтишларича, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида кўпроқ АҚШ йўлидан бормоқда. Шундайми?**

- Мен Ўзбекистон чет томонга чалғиб кетмоқда, деган гапни эшитганман. Лекин биз четга сурилиб, чалғиб сузиб юрадиган музтоғ эмасмиз. Бизнинг ўз кемамиз, унинг елкани, бошқариладиган рули бор. Белгиланган йўл ҳам бор. Очиғини айтаман: биз Америка билан яхши муносабатда бўлишни ҳоҳлаймиз. Лекин бу ҳаракатимиз Россияга қарши қаратилган эмас. Мен айримлар сингари, сиёсатнинг кўп қиёфалигига ишора қилган ҳолда «биз Шарққа ҳам, Ғарбга ҳам қараймиз», қабилидаги найранг гапларни гапириб ўтирмайман-да, очиқдан-очиқ тўғрисини айта қоламан: ҳа биз Америка билан яхши муносабатда бўлишни ҳоҳлаймиз, лекин бу мутлақо Россияга қарши қаратилган эмас.

**Ғаяз АЛИМОВ, Дмитрий МУРЗИН, Геннадий ЧАРОДЕЕВлар суҳбатлашди.**
**ТОШКЕНТ.**

«Известия» газетасининг 1997 йил 11 ноябр сонидан олинди.

